ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01008

ДАРС ТУЗИЛМАСИ ВА УНГА ТАЙЁРГАРЛИК

Бахтиёр Иманов
Термиз давлат университети доценти

Мафтуна Бахтиёр қизи Иманова
Термиз давлат университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим тизимида долзарб ҳамда тўла ечими хал қилинмаган муаммо тўғрисида фикрлар билдирилган.

Ўқитувчи – педагокларнинг дарс тузилмасига кўра нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида ҳамда ҳозирги кунда бу муаммоларнинг ечимини топишга доир кўрсатмалар, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: матн, харита, илмийлик, восита, дидактик, материаллар, диққат дарс босқичлари.

LESSON STRUCTURE AND PREPARATION

ABSTRACT

This article discusses the current and unresolved problem in the education system.

Instructions and recommendations have been developed on what teachers should pay attention to in accordance with the lesson structure, as well as on how to find solutions to these problems.

Keywords: text, map, scientific, engine, didactic, materials, attention lesson lines.

КИРИШ

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик ҳолати аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш асосида амалга оширилганда, ўқитиш сифати яхши бўлиши, талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишлари кўтарилиши мумкин. Аксинча, аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб олинмаса, дарсга пухта тайёргарлик кўрмасдан, тасодифан кирилса, ўқитиш сифатининг кўтарилишига тўсиқ пайдо бўлади, ўқувчиларнинг вақти самарасиз ўтади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01008

Шу сабабли дарсга тайёргарлик кўриш жараёнини лойихалашда ўқитувчилар талабаларнинг фанни ўзлаштириш даражасига; янги билим олишдаги креативлигига; фанга бўлган қизиқишларига; матн, харита, жадвал, лаборатория топшириқларини бажаришга доир асбоб ва ускуналар билан ишлай билишдаги кўникма ва малакаларига, таълимнинг илмийлик, кўргазмалилик тамойилларига риоя қилишлигига; дарс жараёнини тўғри ташкил қилишига; дарс жараёнини мақсадли режалаштиришга; талабаларга янги билимларни беришда ўзаро ҳамкорликка эришишга; ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришларини назорат қилишга; талабалар билан якка ва жамоа бўлиб ишлашни ташкил қилишга; дарс мобайнида вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиш ва педагогик маданиятига эга бўлишлигига эътибор берилиши зарур.

МЕТОДОЛОГИЯ

Ўтказилган дарс кузатишлари ва тахлиллардан аксарият ҳолларда дарс жараёнида кўпгина ўқитувчилар қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйишлари аниқланди:

Дарс мавзусининг мақсади талабалар онгига тўлиқ етказилмайди; интерфаол методлардан самарасиз фойдаланилади; дарс жараёнида талабаларнинг фаол иштирокини ва мустақил ишлашини таъминлай олмайди; ўқитувчи нутқи равон, таъсирчан бўлмайди; мавзуни ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб тушунтира олмаслиги; қўшимча адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилмайди; талабаларга бериладиган саволлар муаммоли тарзда тузилмайди.

Демак, юқорида билдирилган фикрлардан кўриниб турибдики, дарсга тайёргарлик кўриш, унинг тузилмасига амал қилиш таълим жараёнидаги мухим компетенциялардан экан.

Шу сабабли биз қуйида дарсга тайёргарлик кўриш тузилмаси ва тайёргарлик кўриш жараёнида ўқитувчи нималарга эътибор бериши мухимлиги тўғрисида фикрлашиб ўтамиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дарс мақсадини белгилаш. Мавзу хусусиятларини; талабаларнинг фанни ўзлаштиришдаги компетентлик даражаларини; дарслар тизимида айнан шу мавзунинг ўрнини; мақсадни мавзуга мос ифодалашини; талабалар онгига мақсаднинг етказилишини ҳисобга олиши керак.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01008

Дарс режасини тузиш. Мавзу режаси дарс мақсадига мос бўлишига; режаларнинг мантиқий кетма-кетлиликда ва бир-бири билан боғлиқ бўлишига; режа бандлари учун вақтнинг тўғри тақсимланишига; ўқитиш шаклларининг тўғри танланишига эътибор берилиши зарур.

Дарс мазмунини ёритиш. Дарс мазмуни давлат таълим стандарти талабларига мос келишига, материалларнинг ишончли, тўлиқ, тушунарли бўлишига; баён қилинаётган материалнинг илмийлиги ва тарбиявий йўналишига; ҳаёт ва касбга йўналтириш билан боғланган бўлишига; талабалар томонидан янги билимларни қабул қилишдаги қийинчиликларни бартараф этишга янги тушунчаларни шакллантиришни лойихалаштиришлар хисобга олиниши кераклигига эътибор берилиши мақсадга мувофиқ.

Дарс ўтиш методикаси. Талабаларнинг мавзу материалларини қанчалик даражада ўзлаштириб олишлари, ўқитувчи қўллаган методларга бевосита боғлиқдир. Маълумки, олий таълим муассасаларида дарслар маъруза, амалий машғулот лаборатория ишлари, семинар машғулотлари шаклларида олиб борилади. Сўзлашиш маданияти юқори даражада бўлиши; кўргазмали куроллардан самарали фойдалана олиши; диаграмма ёки жадваллар лаборатория асбоб-ускуналари билан ишлай олиши, АКТ дан фойдаланиш кўникма малакасига, электрон доскаларидан ўринли ва самарали фойдалана олиши, ўқув материалларини талабаларга баён қилиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усуллар шу материалга мос бўлиши керак.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчи дарсда қўллаган усулларнинг самарадорлиги, ранг-баранглиги, намунавийлиги, унинг ўтган янги мавзу материалини талабаларнинг қандай даражада ўзлаштириб олганликлари билан баҳоланади.

Ўқитишнинг метод, восита ва усулларини тўғри танлашга; дарс мақсадининг тўғри белгиланишига; дарснинг ҳар бир босқичида, усулларни тўғри қўлланилишига; ишлатилаётган метод ва усуллар хилма-хиллигига; замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, кўргазмали қуроллар, тарқатма ва дидактик материаллардан самарали фойдаланишга; талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш мезонларига амал қилиши керак.

Талабаларнинг дарсдаги тартиб-интизоми ва ўқув фаолияти. Ўқув аудиториясининг умумий тайёргарлигига; талабаларнинг диққати ва фаоллигига; фанга бўлган қизиқишларига; талабаларнинг дарс босқичларидаги компетентликлари эътиборга олинади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01008

Ўқитувчининг талабалар билан мулоқоти. Педагогик этикаси юқори бўлишлиги, нутқ маданиятининг равон, тушунарли тилда баён қилиниши, ўқув аудиториясида психологик муҳитни яхши ташкил эта олиши, дарсга таълуқли фикрларнигина баён қилиши мухим.

Талабалар билимини баҳолаш. Талабаларга берилган билим, кўникма ва малакалар сифатига; мустаҳкам ва чуқур билим берилганлигига; назорати турларининг рейтинг мезонларига мос расмийлаштирилишига адолатли-ҳаққонийлигига амал қилинади.

Мавзунинг илмийли. Ўқитувчи ўз фанини илмий асосда чуқур билиши, мавзуга доир долзарб мисол ва масалаларни келтириши, дарсга илмий жиҳатдан яхши тайёргарлиги мавзуга оид янги илмий-назарий ахборотлар билан қуролланиб келганлиги, дарс жараёнида илмий қоида ва таърифларнинг тўғри баён этиши ҳамда илмий атамаларнинг талабалар онгига сингдириб бора олиши; дарсда таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши, дарсликдаги мавзу-материалларининг қўшимча адабиёт материаллари билан бойитиши, талаба бажараётган лаборатория, амалий ҳамда мустақил ишларнинг илмий йўналиш бўйича мақсадга мувофиқлиги, талабалар хулосасининг илмий жиҳатидан тўғри, қисқа ва мукаммал баён этишининг назорат қилиниши; янги мавзуни баён этиш жараёнида таълим-тарбияни боғлаши; ўқитувчи ва талабаларнинг илмий сўзлашувдаги интеллектуал даражалари таълим сифатини оширишдаги технологиялардан.

Дидактикаси.

1. Дарснинг тушунарли тилда баён қилиниши ва талабалар онгига изчил равишда етиб бориши.
2. Фикрлари тарбия талабларига мос бўлиш кераклиги.
3. Дарс баёни ривожлантирувчи ва муаммоли таълимдан иборат бўлиши.
4. Фикрлар кетма-кетлик, изчиллик, мантиқийлик қоидаларига амал.
5. Дарс жараёнида ёки янги мавзуни баён қилишда кўргазмали қуроллардан, тарқатма, дидактик материаллари ва техника воситаларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ бўлишлиги.
6. Тажриба, лаборатория ва амалий ишларнинг мақсадга йўналтирилган ҳолда ўтиш зарурлиги.
7. Дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлашга тўғри йўналтирилиши ва масалаларнинг назария ва амалиёт билан уйғунликда бўлиши.
8. Мисол ва масалалар назария ва амалиёт билан боғлиқликда бўлиши.
9. Дарснинг аниқ бир тизимда олиб борилишига эътибор берилиши.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01008

Умумий педагогик жихатдан.

Аудитория ва лаборатория хоналарининг дарс ўтишга тайёргарлик ҳолати;

Аудитория ва лаборатория хоналарининг санитария-гигиена ҳолати;

Дарс мавзуси ва унинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлари;

Дарсга илмий-методик ва педагогик жиҳатдан тайёрланганлик даражалари;

Дарсни ташкил этиш ва дарс босқичларидан тўғри фойдаланишлиги;

Ўқитувчи имиджининг педагогик маданият даражасига етганлиги;

Талабаларнинг дарсга муносабати ва ўқитувчига ҳурмат билан қарашлари;

Дарсда талабаларнинг сифат кўрсаткичларига эришганликларини;

Дарсдаги таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларига тўлиқ эриша олинганлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлиги.

ХУЛОСА

Юқорида билдирилган фикрлар кўрсатиб ўтилган қоидалар, кўрсатмалар, тавсияларга мувофиқ дарсларга пухта тайёргарлик кўрилганда нафақат талабаларнинг билим сифатининг ошиши ҳамда кўникма ва малакаларининг ривожланишига эришилади шунингдек ўқитувчига касбига нисбатан шахсий масъулият ҳисларини янада ошириш, садоқат билан хизмат қилиш вазифаларини хам юклайди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги 05.06.2018 йилдаги ПҚ-3775 сонли қарори.
3. Imanov B.B. Lesson and its analysis as factor of increasing the qualiyy of education. European scholar Journal. Available online at// www.scolarzest.com. Vol. № 1 January 2021 ISSN: 2660-5562.
4. B. Imanov. (2020). Specificity Of Student Creative Activity. The American Journal of Social Science and Education Innovations/ 2 (10), 243-249.